

**«ТАСДИКЛАНГАН»**  
**(«МАЪҚУЛЛА НГАН»)**

**Кузатув кенгаши томонидан**

**2024 йил «29»ноябрьдаги  
18-сон баённома**



**«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг  
2025 йил учун**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Давлат номидан акциядор  
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини  
бажарувчи ташкилот номи

Давлат активларини  
бошқариш агентлиги

Идоравий мансублиги

Вазирлар Махкамаси

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

[www.uzbeksteel.uz](http://www.uzbeksteel.uz)

СТИР

200 460 222

Ижроия органи раҳбари

Ахмедов Д.Т.

Бош бухгалтер

Эшанхужаев Б.Б.

# **М У НДАРИЖА**

## **I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи, охирги йилларда эришиган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқарии қувватларидан фойдаланиши ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқарув тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ииҷи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи:*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқарии тизими*

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

- 2.1 Истиқболли ривожланиши стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилиши мақсади ва босқичлари;*
- 2.3 Ислоҳ қилишининг 2024 йил учун режаси;*

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

- 3.1 Бозор таҳлили*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*
- 3.3 Рақобат*
- 3.4 Маркетинг режаси*

## **IV. SWOT-таҳлили**

## **V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

- 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиши орқали энергияни тежаси ва самарадорликни ошириши бўйича Техник сиёсати*
- 5.2. Корхонанинг энергетик эҳтиёжларини қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатишни ҳисобидан ва табиий газдан кўмирга ўтказишни таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириши*
  - 5.2.1. Энергетик эҳтиёжларини қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатишни бўйича лойиҳаларни амалга ошириши режаси*
  - 5.2.2. Энергетик эҳтиёжларни қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан табиий газдан кўмирга ўтказишни бўйича лойиҳаларни амалга ошириши режаси*

## **VI. Кўрсаткичлар**

### **6.1 Ишлаб чиқариши режаси**

- 6.1.1. Хомашё захираси;
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариши ҳолати
- 6.1.4. Ишлаб чиқариши ва сотии режаси

### **6.2 Молиявий режса**

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар
- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
- 6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)
- 6.2.4 Давлат бюджетига тўловлар прогнози

## **VII. Ташиби иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)**

## **VIII. Маҳаллийлаштириш**

## **IX. Инвестиция лойиҳалари**

## **X. Иловалар**

## I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

### 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

#### Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Корхонанинг номи – “Ўзметкомбинат” АЖ;

Ташкилий-хуқуқий шакли – Акциядорлик Жамият

Фаолият тури – ишлаб чиқариш

Тармоқ – металургия саноати

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шахри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.

Устав капитали – 2024 йил 12 ноябрь холатига 3 725 963 175 минг сўм

Чиқарилган акциялари – 593 644 242 дона оддий ва 151 548 393 дона имтиёзли акциялар

СТИР – 200 460 222

Ҳисоб рақами ва хизмат қўрсатувчи банки – 20210000200468183002 Миллий банк

умумий ер майдони – 412 гектар;

бино-иншоотлар майдони – 230 000 кв. метр

ишлаб чиқариш майдони – 410 543 кв. метр

ишчилар сони – 9180 та (1-ноябр холатига)

ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури – 20 дан ортиқ номланишда;

асосий хомашёси – Металл парчалари ва чиқиндилари;

#### Экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Маҳсулот номи	Давлат номи
1	Қора металл прокат маҳсулотлари	Тожикистон Республикаси
2	Мис ва мис қоришмаларидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	Қирғизистон, Беларусь, Россия, Туркия, Озарбайжон.
3	Иссиқлик ўтказмас материаллар	Тожикистон
4	Сирланган эмал идишлар	Козогистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Латвия, Россия, Болгария, Молдово, Германия.

### 1.2. Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

“Ўзбекистон металургия комбинати” акциядорлик жамияти республикада етакчи қора металургия корхонасидир. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида корхона ривожланиб, йилдан йилга ўз қувватларини ошириб келмоқда. “Ўзбекистон металургия комбинати” акциядорлик жамияти 1944-йил 5-март куни фойдаланишга топширилди. Комбинат барча бошқа корхоналар билан яқин ўзаро алоқада. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида қора металургия ривожланиши иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш босқичининг энг муҳим устувор умумдавлат вазифасидир. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз реконструкцияси, техник қайта жиҳозланиши ва модернизацияси юқори сифатли рақобатбардош

маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имкон беради у республиканинг саноат корхоналарига ва қурилиш индустриясига маҳсулот етказиб беради, шунингдек экспортга ҳам юклаб жўнатади.

Комбинатнинг барча маҳсулотлари мувофиқлик сертификатларига эга. Сифат менежменти тизими Миллий ва Халқаро сертификат тизимида сертификатланган. "Management Certification" халқаро сертификатлаштириш ташкилоти томонидан комбинатга ИСО 50001:2018 ва ЭН ИСО 9001: 2015 халқаро стандартлари бўйича сертификатлар берилган. Комбинат республика корхоналари, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан кооперацион алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. Янги иш ўринларни яратиб келмоқда. Шаҳаримиз ижтимоий инфратузилмасининг ривожига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Сўнгги 5 йилда Инвестиция дастури асосида ишга туширилган обектлар:

- 2018-йилда комбинатда Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Цех Жанубий Кореянинг "Поссо Даewoo" компанияси иштирокида курилган бўлиб, йилига 15 минг тонна ферросилиций, 10 минг тонна ферросиликомарганец ишлаб чиқаради.

- 2019-йилда инвестицион лойиҳа асосида Навли прокат цехида сим блокини ўрнатиш билан "300" станда катанка ишлаб чиқариш участкаси тантанали равишда ишга туширилди. Участка 100 минг тонна пўлат симлар ва арматура боғламлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

- 2022-йилда юқори омли кокс ишлаб чиқариш участкаси фойдаланишга топширилди. Комбинатда авваллари хориждан импорт қилинган ферроқотишмалар ишлаб чиқариш ва электрда пўлат эритиш учун зарур бўлган юқори омли (юқори электр қаршилигига эга бўлган) кокс ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- 2022-йилда Навли прокат цехида термомеханика усулида мустаҳкамланган диаметри №10 – 36 мм, мустаҳкамлиги эса А500 ва А800 синфига мансуб бўлган арматурани ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида" 2020-йил 28-декабрдаги ПҚ-4937-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023-йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига мувофиқ "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти томонидан "Қуюв-прокатлаш комплексини қуриш" йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш мuddати – 2020-2024-йй.


- "Қуюв-прокатлаш мажмуасини қуриш" лойиҳаси энг йирик инвестиция лойиҳасидир. Бу лойиҳа асосида комбинатда 1,04 миллион тонна импорт ўрнини босадиган, экспортбоб, иссиқ ҳолда прокатланган пўлат лист ўрамлари ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватлари деярли икки бараварга ошади. Металлургия ускуналари етказиб беришда жаҳонда етакчи бўлган "Даниели" (Италия) компанияси ҳамда саноат обектларини қуришда катта халқаро тажрибага эга бўлган пудратчи "Ронесанс Австрия" (Туркия) компанияси бу инвестиция лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Айни кунларда Қуюв-прокатлаш мажмуасини қуриш ишлари қизгин давом этмоқда.

### 1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

#### Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Куввати	Кувватдан фойдаланиш			
				2023 й.	%	2024й. (амалда)	%
1.	Навли прокат	тн	784 000	780 200	99,5	534 308	68,2
2.	Пўлат шарлар	тн	250 000	247 898	99,1	246 428	98,6
<b>Жами</b>		тн	<b>1 034 000</b>	<b>1 028 097</b>	<b>99,4</b>	<b>780 736</b>	<b>75,5</b>

### 1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот



**Корхона тизимиға киравчи ташкилотлар рўйхати:**  
**(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар,**  
**филиаллар)**

минг.сўм

№	Корхона номи	Улуш миқдор и (%)	Устав капитали (баланс қиймати)	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2023й.	2024й.	2023й.	2024й.
<b>1. Тизимдаги корхоналар</b>								
1.	"Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси" акциядорлик жамияти	4.39%	2 500 000 000 сўм	Молиявий бозорларни бошқариш				
2.	"ЎЗБЕКИСТОН" дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти	4.64%	118 488 454 158 сўм	Дам олиш ва соғломлаштириш маскани				
3.	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "МЕТАЛЛУРГ" профессионал футбол клуби	100%	13 531 779 512 сўм	Спорт клублари фаолияти				
4.	"Худудий иккиласчи кора металлар" масъулияти чекланган жамияти	100%	2 444 705 000 сўм	Иккиласчи хом ашё олиш учун металл чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш				
5.	Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Узметкомбинат Таджикистан" савдо уйи	51%	100 000 сомони	Тоҷикистон Республикаси худудида "Ўзметкомбинат" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва етказиб бериш				
6.	Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Узбекский металлургический комбинат" савдо уйи	100%	250 000 тенге	Металл буюмларни нг улгуржи ва чакана савдоси				
7.	Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги чет ел инвестициялари	51%	408 116 266 534,51 сўм	Пўлат қуиши, металлопрокат ва				

	иштирокидаги "LIDA METAL TECHNOLOGY" корхонаси			арматура маҳсулотлари ишлаб чиқариш				
8.	"PRO FARRO" Масъулияти Чекланган Жамияти шаклидаги Қўшма Корхонаси	49%	400 000 000,00 сўм	Қора металларни ишлаб чиқариш жараёнида олинадиган гранулаланг ан (шлакли қум) ишлаб чиқарични ташкил этиш				
9.	"Ўзметкомбинат" Европа савдо уйи ЁАЖ	51%	2500 EUR	"Ўзметкомбинат" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва етказиб бериш				

### **1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя**

**2024 йил 01 ноябр ҳолатига комбинат ишчи- ходимлар сони жами 9 180 нафар (шулардан комбинат таркибий бўлинмалар сони – 8 212. ИҚМ – 968 нафар).**

- раҳбарлар – 775
- мутахассислар – 815
- техник ходимлар – 317
- хизмат кўрсатувчи ходимлар – 1 336
- ишлаб чиқариш ходимлари – 6 021

### **2017-2024 йиллар давомида ишга қабул килинганлар ва меҳнат шартномасини бекор килганлар тўғрисида маълумот.**

номланиши	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	01.11.2024
Ишловчи сони	9 639	10 027	10 124	10 183	11 843	11 434	9 960	9 180
Қабул килинган	502	693	639	427	578	419	239	148
Меҳнат шартномаси бекор қилинган	460	645	542	368	706	772	1713	928
ротация	50	42	86	122	113	84	42	13
стажировка	29	25	60	63	100	127	80	90

Ишловчи пенсионерлаар	234	254	265	273	320	418	288	340
Ногиронлиги бор ишловчи пенсионерлар	24	22	17	17	18	20	16	39

## Ишга қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Ички меҳнат тартиб қоидалари, Жамоа шартномаси ҳамда "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти таркибий бўлинмалари ва филиалларидағи бўш иш ўринларига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги Низом талабларига асосан амалга оширилади.

Танлов комбинат таркибий бўлинмалари ва филиалларидағи бўш иш ўринларига малака талабларига мувофиқ энг муносиб номзодни саралаб олиш мақсадида ўтказилади.

Комбинат таркибий бўлинмалари ва филиалларидағи бўш иш ўринларига номзодларни саралаш ва танлаш Низом асосида амалга оширилади.

Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бўш иш ўрни - комбинат штат жадвалида мавжуд бўлган, айни вақтда бўш (вакансия) бўлган штат бирлиги;

номзод - комбинатнинг расмий сайтида эълон қилинган бўш иш ўринларига ишга кириш ва/ёки бошқа ишга ўтиш мақсадида комбинатнинг [resume.uzbeksteel.uz/](http://resume.uzbeksteel.uz/) [my.uzbeksteel.uz](http://my.uzbeksteel.uz) сайтига ўз маълумотларини юборган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари ва комбинат ходимлари;

танлов - мазкур Низом талаблари асосида ўтказиладиган, комбинат олдига қўйилган вазифаларни самарали бажариш бўйича талабларга билими, малакаси, касбий қўнимаси, шахсий психологик хусусиятлари мос келишини, шунингдек, барча фазилатлари ва устунликларини, шу жумладан, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларини холисона баҳолашга қаратилган жараёнлар мажмуи.

Кадрларни танлаш бўлими ҳамда ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш бўлими ходимлари корпоратив ҳавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаменти ходимлари билан биргаликда, танловда иштирок этиш учун номзодлар томонидан тақдим этилган хужжатларни мутахассисликлари ва бошқа жиҳатлари бўйича ўрганиб чиқади. Номзодлар, ўзлари тақдим қилган маълумотлари бўйича барча белгиланган талабларга мувофиқ саралаб олинадилар ва биринчи босқичда кадрларни танлаш бўлими томонидан ташкил этилган тест синовига чақирилади. Тестдан муваффақиятли ўтган номзодларга иккинчи босқичда сухбат ташкил этилади. Танлов комиссиясининг хулосасига кўра сухбатдан муваффақиятли ўтган деб топилган номзодлар, бўш иш ўрнининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, иш берувчининг ташаббусига кўра амалий синовга юборилиши мумкин бўлади. Иккинчи босқич натижалари амалиёт/сухбат варагасида акс эттирилади. Танлов комиссиясининг якуний хулосаси танлов баённомаси билан расмийлаштирилиб, комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган танлов баённомаси номзод билан меҳнат муносабатларини амалга оширишга асос бўлади.

Танлов қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- бўш иш ўрни тўғрисидаги эълон комбинатнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида танлов ўтказилишидан камида 3 (уч) кун олдин берилади. Кўрсатилган бўш иш ўрнига камида 5 (беш) нафар номзод резюме юборгандан кейингина танловнинг биринчи босқичи ўтказилиши мумкин;

- номзодларнинг [resume.uzbeksteel.uz/](http://resume.uzbeksteel.uz/) [my.uzbeksteel.uz](http://my.uzbeksteel.uz) сайти орқали қабул қилинган ҳужжатларини мутахассислиги ва бошқа жиҳатлари бўйича саралаб, танлов ўтказилишидан камида 1 (бир) кун олдин номзодларга бу ҳақида хабар берилади;

- номзодлар биринчи босқичда тест синовларидан ўтказилади (1 кунда 150 нафаргача номзодлар билан);

- биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар учун иккинчи босқичда сұхбат 1 (бир) кун ва амалий синов 1 (бир) кун ўтказилади;

- танлов якунларига кўра баённома расмийлаштирилади ва тасдиқлаш учун киритилади;

- баённома тасдиқланганидан сўнг, танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар, ўрнатилган тартибда ҳужжатларни ходимларни бошқариш департаментига тақдим этганидан кейин ишга қабул қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади.

Бўш иш ўрни интернет тармоқларида эълон қилинаётганида, қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, бўш иш ўрнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, лавозим/вазифаларнинг айрим тоифалари учун қўшимча талаблар (касбий тайёргарлик даражасига, иш стажи, чет тилларини билиш даражаси ва бошқалар) белгиланиши мумкин.

Танлов жараёнида ошкоралик ва холисликни таъминлаш, шунингдек, YouTube канали орқали онлайн трансляция қилинишини йўлга қўйиш мақсадида, комбинат матбуот хизматининг масъул ходимига барча босқичларда иштирок этишга ҳамда фото, аудио ва видеоёзув қурилмаларидан фойдаланишга рухсат берилади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказишида белгиланган талабларга риоя этмаслик ҳолатлари, шунингдек, танлов комиссиясининг холис қарор қабул қилишига таъсир ўтказган ноқонуний аралашувлар ва хатти-харакатлар аниқланган тақдирда, иш берувчи ўз ташаббусига кўра танлов натижасини тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

## **Тест синовларини ўтказиш тартиби**

Тест синовлари биринчи босқичда номзодларнинг шахсий касбий билим ва кўникумалари (компітенциялари)ни аниқлаш мақсадида электрон тарзда махсус жиҳозланган хонада ўтказилади.

Биринчи босқичда тестдан ўтиш кўрсатгичи 80 фоизни ташкил этади. Иш берувчининг ташаббусига кўра, тестнинг ўтиш кўрсатгичларига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Тест синовлари тугаши билан номзодларнинг тест натижалари фотосуратлари билан номзодларга таништирилиб сақлаб борилади.

Тест натижалари Корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаментига номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, хулоса бериш учун киритилади. Номзод танловнинг иккинчи босқичига ўтганлиги масаласи Корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департаментининг хулоасасига асосан аниқланади.

Тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаган номзодлар, ушбу низомда белгиланган тартибда эълон қилинган янги танловда қайта қатнашишлари мумкин.

Тест синовлари ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин ўзининг шахсий сабабларига кўра ёки Низомда белгиланган тартибда СМС хабар юборишни имкони бўлмаган (мобил рақами ўчирилган ва бошқа) ҳолатда ва шу каби вазиятларга кўра тестда қатнаша олмаган номзодлар, тестда иштирок этмаган деб топиладилар ва тестдан ўтмаган деб ҳисобланадилар.

## **Сухбат ўтказиш тартиби**

Иккинчи босқичда сухбат номзодни баҳолаш, унинг касбий маҳорати, билим ва кўникумалари, шахсий фазилатлари комбинатда мавжуд бўлган бўш иш ўринларини эгаллашга қўйилган талабларга мос келишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Агар танлов комиссияси аъзоси сухбатдан ўтаётган шахснинг қариндоши бўлса ёхуд сухбат натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, комиссия аъзоси ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши талаб қилинади, акс ҳолда ўтказилган сухбат натижаси хақиқий деб ҳисобланмайди.

Ҳар бир номзод билан ўтказилган сухбат натижалари бўйича белгиланган тартибда баённома расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси аъзоларининг умумий хулоаси, сухбат варақасидаги қуйидаги жумлалардан бирини танлаш орқали белгиланади

- меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилади (синов муддати билан)/меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилмайди;

бошқа ишга ўтказиш тавсия этилади/бошқа ишга ўтказиш тавсия этилмайди.

Агар танлов комиссияси аъзоларининг ўзаро қарама-қарши хулосалари кўрсатгичи teng бўлса, танлов комиссияси раисининг хулоасасига асосланиб, якуний хулоса берилади.

Холислар ҳамда корпоратив хавфсизлик ва ресурсларни ҳимоя қилиш департamenti ходимлари танловнинг барча жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Номзод танлов комиссияси хулоасасидан норози бўлган тақдирда, хулоса қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни муддатида танлов натижалари

бўйича комиссия хулосаси устидан комбинатнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими орқали комбинат раҳбариятига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонун ҳужжатларида бўш иш ўрнига ишга қабул қилишда/ўтказишида, номзодни тегишли вазирлик ёки бошқа идоралар билан келишиш лозимлиги белгиланган бўлса, масъул котиб унинг тегишли ҳужжатларини вазирлик ёки идорага келишиш учун юбориши лозим ҳамда ижобий жавоб олингандан сўнг белгиланган тартибда меҳнат муносабатларини амалга ошириш чоралари кўрилади.

Суҳбат ўтказилиши тўғрисида ўрнатилган тартибда хабардор қилинган, лекин ўзининг шахсий сабабларига кўра ёки низомда белгиланган тартибда СМС-хабар юборишни имкони бўлмаган (мобил рақами ўчирилган ва бошқа) ҳолатда ва шу каби вазиятларга кўра суҳбатда қатнаша олмаган номзодлар, суҳбатда иштирок этмаган деб топиладилар ва суҳбатдан ўтмаган деб ҳисобланадилар.

### **Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

<b>№</b>	<b>ФИШ</b>	<b>Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври</b>	<b>Корхонадаги улуши (2024 йил 05ноябрь холатига)</b>
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулқдор)</b>			
1.	1.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги		▪ 53,51%
	2.Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси		▪ 38,99%
	3.Бошқа юридик ва жисмоний акциядорлар		▪ 5,91 %
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
2.	1. Абдулла Нигматович Арипов	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Кузатув кенгаши раиси (2021 йилдан)	-
	2. Шухрат Абдушарифович Вафаев	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Ижрочи директори – Кузатув кенгаши аъзоси (2021 йилдан)	-
	3.Алишер Эркинович Миралиев	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари - Кузатув кенгаши аъзоси (2021 йилдан)	-
	4. Бобир Хасанович Каримов	“Karimov and Partners Group” адвокатлик бюроси директори - Кузатув кенгаши аъзоси (2021 йилдан)	-
	5. Азизхўжа Очилович Қобилов	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари - Кузатув кенгаши аъзоси (2023 йилдан)	-

	6. Зумрат Аманбаевна Ибрахимжанова	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Инвестицион лойиҳалар экспертизаси бошқармаси бошлиғи - Кузатув кенгаши аъзоси (2023 йилдан)	0,000002%
	7. Жамшид Абдигалипович Абдушукуров	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат активларини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш департаменти директори- Кузатув кенгаши аъзоси (2024 йилдан)	-
	8. Илёс Бабаназарович Жумаев	Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Кора, ноёб металлар соҳасини ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш бошқармаси бошлиғи- Кузатув кенгаши аъзоси (2024 йилдан)	-
	9. Катя Рай	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (2024 йилдан)	-

### III. Ижроия органи

3.	Дилшод Турсункулович Ахмедов	Бошқарув раиси – Бош директор (2024 йилдан)	0,016225%
4.	Роман Салимович Гараев	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – Ижрочи директор – Бошқарув аъзоси (2021 йилдан)	-
5.	Татьяна Александровна Будей	Бошқарув раисининг ўринбосари – Молия директори – Бошқарув аъзоси (2021 йилдан)	0,000361%
6.	Акмал Маматович Шарипов	Бошқарув раисининг ўринбосари – Умумий масалалар бўйича директор Бошқарув аъзоси (2021 йилдан)	-
7.	Нариман Османович Умеров	ЭПЭЦ ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича лойиха офиси раҳбари – Бошқарув аъзоси (2021 йилдан)	-
8.	Шахноза Улугбековна Абдурахманова	Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи – Бошқарув аъзоси (2021 йилдан)	0,004954%
9.	Анна Валерьевна Палванова	Юридик департамент директори – Бошқарув аъзоси (2022 йилдан)	-

## **1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи**

“Ўзметкомбинат” АЖ асосан металопрокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Республика иқтисодиётидаги ўрни катта. Ишлаб чиқарилаётган металопрокат маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорларда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## **1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими**

Сифат менеджмент тизими комбинатнинг ички ва халқаро бозорлардаги барқарор ривожини таъминлайди.

Комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Миллий Сертификатлаш Тизими, Россия Федерациясининг Сертификатлаш тизими томонидан сертификатланган.

Комбинатда Сифат тизими менеджменти ISO-9001 2015 йил версиясига талабига мувофиқ, Энергетики Менеджмент тизими эса ISO-50001 2011 йил версияси талабларига мувофиқ жорий этилиб, сертификатланган.

Комбинат “Ўзстандарт” Агентлигининг синов лавбораторияси аккредитация аттестацияга эга. Мазкур аттестат комбинатнинг Марказий лабораторияси ISO-17025 стандарти талабларига мувофиқ техникавий ваколатли сифатли аккредитациядан ўтганлигидан далолат беради. Жорий этилган Сифат менеджмент тизимининг натижаси мунтазам равишда ўтказилаётган аудит текширувлари билан тасдиқланади.

Комбинатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

### **2.1 Истиқболли ривожлантириш стратегияси**

“Ўзметкомбинат” АЖ узок муддатли металлургия саноатини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқиш мақсадида халқаро консалтинг корхоналарини жалб қилган ҳолда техник топшириқ ишлаб чиқди.

Мазкур техник топшириқ бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг 2024 йил 2 февралдаги №45/03-07/4-882-сонли хуносаси қабул қилинди.

Ушбу техник топшириқ Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси порталига №24121006342478 лот орқали танловга кўйилди. Ҳозирда танлов бўйича техник баҳолаш ва натижаларини аниқлаш ишлари якунланди ва натижаларга кўра “KPMG” корхонаси ғолиб деб топилди.

Ҳозирда, мазкур корхона билан шартнома имзоланган ҳолда Стратегияни ишлаб чиқиш бўйича дастлабки ишлар олиб борилмоқда.

## 2.2 ESG рейтингини қабул қилиш

Компания тарихида биринчи марта халқаро ESG рейтингини қабул қилиш мақсадида техник топшириқ ишлаб чиқилди ва унинг асосида CDP халқаро консалтинг компанияси жалб қилинди. CDP - бу атроф-муҳитга таъсирини бошқариш учун инвесторлар, компаниялар, шаҳарлар ва минтақалар учун глобал ошкор қилиш тизимини бошқариш борасида 20 йиллик тажрибага эга ҳамда 50 мамлакатда минтақавий ваколатхоналари ва маҳаллий шериклари бўлган халқаро ташкилотдир.

CDP Climate Change 2023 (CDP томонидан 2023 йилда амалга оширилган иқлим ўзгариши масалалари бўйича ахборотни баҳолаш) доирасида ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасида биринчи марта ESG рейтингларининг энг нуфузли халқаро провайдерларидан бири бўлган CDP (Carbon Disclosure Project) дан 2024 йил бошида “С” баҳоси берилди. Бу натижа глобал ўртача кўрсаткичга тўғри келади ва CDP томонидан компаниянинг иқлим ўзгариши соҳасидаги кенг кўламли масалалари бўйича хабардорлиги ва кўрилаётган чоратадбирларини тан олинишини билдиради.

“Ўзметкомбинат” АЖга CDP рейтингининг берилиши нафақат Компания, балки бутун Ўзбекистон Республикаси учун биринчи ва ягона тажрибадир. Баҳолаш инвесторлар ва кредиторларнинг Компанияга, Ўзбекистон Республикасига ва бутун минтақага ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, компаниянинг 2024 йилдаги фаолияти доирасида, мазкур қабул қилинган рейтингни янгилаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида юқорида тавсифланган усулга ўхшаш тарзда ишлар олиб борилмоқда.

## 2.3 Ресурслар самарадорлигини ошириш аудити

Шу қаторда, комбинат Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорликда декарбонизация стратегиясини илгари суриш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида энергия самарадорлиги аудитини ўтказиш учун хорижий консалтинг компаниясини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзолади.

Хусусан, хорижий консалтинг компанияси билан биргаликда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ишлари амалга оширилди. Тайёрланган ҳисобот доирасида энергия ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича Ҳисобот қабул қилинди. Мазкур ҳисобот доирасида б та инвестиция лойиҳаси жорий этилди ва хозирда мазкур лойиҳалар комбинат ходимлари томонидан ўрганилмоқда.

Мазкур истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан музокаралар олиб борилди ва натижасида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) “Ўзметкомбинат” АЖ нинг ESG тамойлиларини жорий этиш режаларига кўмаклашиш нияти мавжудлиги маълум бўлди.

## **2.4 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари ва 2025 йил режалари**

1. “Ўзметкомбинат” АЖ қўшимча акцияларини “Тошкент” Республика фонд биржасида жойлаштириш (FPO);
2. 2024 йил учун молиявий ҳисоботни МХХС стандартларига трансформацияси қилиш;
3. Халқаро кредит рейтингини қўллаб-қувватлаш/такомиллаштириш;
4. ESG рейтингини қўллаб-қувватлаш/такомиллаштириш;
5. 2024 йил учун иссиқхона газлари чиқиндиларини ҳисоблаш;
6. Иссиқхона газлари чиқиндиларини ҳисоботларини аудит қилиш;
7. 2024 йил учун йиллик ҳисобот ва ESG ҳисоботини ишлаб чиқиш.
8. “Акциадор кутувлари” бўйича амалга оширилиши белгиланган вазифалар:
  - компаниянинг тузилмасининг алтернатив варианtlарини ишлаб чиқиши, шаффоф тузилма жорий қилиш ва замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиши;
  - Insource/Outsource модели бўйича иқтисодий таҳлил ўтказиш;
  - носаноат активларни ажратиб сотиш;
  - HR-стратегия;
  - лавозимларни тансифлаш;
  - шахсий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш;
  - замонавий автоматлаштирилган ERP синфидағи ҳисоб-китоб тизимини жорий этиши;
  - ички аудитни трансформация қилиш;
  - операцион самарадорликни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
  - халқаро даражадаги самарадорликни бошқариш тизимини жорий этиши;
  - янги инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиши, инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич ёндашув асосида амалга ошириш методологиясини, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва приоритетлаштириш методологиясини ишлаб чиқиш;
  - сотиб олиш бўйича бозор принципларига ўтиши;
  - ушбу кутишларни амалга оширишда иштирок этишини ва жавобгарликни таъминлаш;
  - доимий ички коммуникацияни ва ходимларнинг юқори мотивациясини таъминлаш.

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

### **3.1. Бозор таҳлили**

Комбинат томонидан ишлаб чиқарилаётган металопрокат маҳсулотлари ички бозорда биржа савдолари орқали шаффофлик билан сотилади. Ташқи бозорларга эса олдиндан тўлов қилиш йўли билан экспортга юкланди. Биржа савдолари орқали 8 554 896 сўмдан бошлаб ўрнатилади ва истеъмолчилар талабига кўра нархлар ўзгаради. .

Ташқи бозорлар нархлари бозор конъюнктураси билан белгиланади. Бунда валюта курси, транспорт харажатлари (темир йўл орқали) ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

### **3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби**

Комбинат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорларда қурилиш компаниялари томонидан харид қилинади. Маҳсулотнинг сифат сертификатлари, ГОСТ ва EN сертификатларига эга эканлиги металопрокат маҳсулотларини қурилиш обьектларида таянч материал сифатида ишлатилишини таъминлайди.

### **3.3. Рақобат**

“Ўзметкомбинат” АЖ нинг ички бозорда рақобатчиларидан Галперин номидаги ТТЗ, ИП ООО Wangda Metall group ва СП ООО "TAI CHANG SPECIAL STEEL", ВАО XIN ҳисобланади.

Ташки бозорларда эса Россия, Қозогистон ва Эрон давлаталарининг қора метал прокат ишлаб чиқарувчилари асосий рақобатчилар қилмоқда.

#### **Маркетинг режаси**

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нарх белгилашда бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархлаш бюроси билан биргаликда белгиланади. Маҳсулотни сотишга бўлган йиллик харажат ўртача 2 млрд. сўмни ташкил этади. Комбинатнинг диллер ва дистрибуторлари мавжуд эмас. Маҳсулотлар асосан ўзи олиб кетиш йўли билан (FCA Incoterms 2020) сотилади. Комбинат томонидан Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Болгария, Молдаво, Туркия, Латвия, Германия каби давлатларга маҳсулотлар экспорти амалга оширилади.

**Бозор улуши** – “Ўзметкомбинат” АЖ фаолиятининг асоси ҳисобланган қора метал прокати маҳсулотлари, жумладан арматура маҳсулотларининг умумий ички бозор улуши 50,0% ташкил қиласди, 42% бошқа Республикалардаги фаолият кўрсатаётган ва қолган 8,0% маҳсулот импорти амалга оширилади.

**Рақобат таҳлили** – Қора метал маҳсулотлари ички бозор улушкининг катта қисми “Ўзметкомбинат” АЖга тегишли бўлишига қарамасдан импорт улуши 10,0% ни ташкил қиласди. Асосий импорт қилувчи давлатлар Россия Федератцияси ва Қозогистон Республикалари ҳисобланади. Корхоналар кесимида “Арселор Миталл Темиртау”, “ЕВРАЗ”, “Челябинский” МК ва Арселор Миттал Темиртау корхоналари ҳисобланади.

**Ҳалқаро иштирок** - Бугунги кунда “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти ўз маҳсулотларини 10 дан ортиқ давлатга етказиб бериш бўйича ҳамкорлик қиласди.

2022-йил август ойида Литванинг Вилнюс шаҳрида “Ўзметкомбинат” АЖ савдо уйи очилди. ЗАО "Uzmetkombinat Europe Trading House" фаолияти бошланганидан буён 10,2 миллион АҚШ долларига teng маҳсулотлар экспорт қилинди.

**Бренднинг тан олиниши ва обрўси** - маҳсулот экспорти географиясини ошириш мақсадида мувофиқлик сертификатлари олинди - LVS 191-1:2012; Латвия стандарти талабларига мувофиқ диаметри 10-40 мм бўлган B500B класси;

- Литва стандартининг 10-25 мм диаметрли B500B синфи. LTS EN ISO 10080:2005;
- синф K500B-T, K500C-T EN 10080:2005, SS 212540:2014 (Швеция);
- NS 3576-2:2012, NS 3576-3:2013 (Норвегия) талабларига мувофиқ 10-25 мм

диаметрли B500NB, B500NC синфи;

- EN 10080:2005, EN 1992-1-1:2004 (Дания) талабларига мувофиқ диаметри 10-25 мм бўлган B550B, B500B, B500C синфи;
- SFF 1300:2020 (Финляндия) талабларига мувофиқ 10-25 мм диаметрли B500B, B500C синфлари.

DIN 488-1: 2009-08, DIN 488-2: 2009-08, DIN 488-6: 2010-01 (Германия).

“Ўзметкомбинат” АЖ ҳар йили “MADE IN UZBEKISTAN” халқаро кўргазмаларида иштирок етиб, ўз маҳсулотларини халқаро компаниялар ва маҳаллий истеъмолчиларга намойиш етади.

**Таъминот занжири ва шериклик** - Қора металл прокатини экспорт қилиш – Тожикистон, Ўзбекистон Республикасидаги норезидент компаниялар (Enter Engineering ва "RONESANS AVRASYA INSAAT TICARET ANONIM SIRKETI" компаниялари).

Мис маҳсулотларини экспорт қилиш асосан - Туркия, Қирғизистон, Россия, Беларусь, Озарбайжон давлатлари ҳисобланади.

Сирланган эмаль идишлар экспорти - Қозоғистон, Россия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Молдова, Болгария, Латвия, Германия.

Иссиқлик ўтказмас материаллар экспорти - Тожикистон, Ўзбекистон Республикасидаги норезидент компаниялар.

#### **IV. SWOT-таҳлили**

##### **Комбинатнинг кучли томонлари:**

- Комбинат Ўзбекистон Республикасида навли прокат ва пўлат шарлар, металдан халқ истеъмол моллари, мис ва унинг қотишмаларидан прокат листлар, ферроқотишмалар ва базалт асосидаги иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқарувчи йирик корхона ҳисобланади;
- Комбинат Ўзбекистон ҳудудида қора металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланади;
- Узоқ муддатдли истиқболли рақобатбардош мавжудликни таъминлаш учун асос бўлган комбинатни ривожлантириш Концепциясининг борлиги;
- Комбинат томонидан пўлат ишлаб чиқаришда иссиқ брикетланган темирдан (ИБТ) фойдаланиш, бу пўлат ва тайёр маҳсулот сифатини сезиларли даражада яхшилайди;
- Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар турининг кўплиги;
- Тажрибали ва малакали бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг мавжудлиги;
- Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш. Талабаларнинг таълим йўналишлари бўйича амалиёт ўташлари учун шароит яратиш;
- Комбинат томонидан малака ошириш(ходимларни ривожлантириш) курсларини молиялаштириш;
- Самарали ишлайдиган тизимлар: сифат менежменти, энергия менежменти, соғлиқни сақлаш ва меҳнат муҳофазаси менежменти;
- Комбинат ходимларининг ижтимоий ҳимояси.

##### **Комбинатнинг заиф томонлари:**

- Хозирги вақтда асосий металл хомашёнинг етишмаслиги ва у билан боғлик импорт;
- Ишлаб чиқаришни таъминлаш жараёнларининг самарадорлиги етарли эмаслиги;
- Ускуналар ва хомашёни ўз вақтида етказиб беришга таъсир қилувчи харид

харжатлари;

- Иш ҳақининг доимий ва ўзгарувчан қисмларини (КПИ) бошқаришнинг ноаниқ механизми ва оддий ходимлар томонидан иш ҳақи ва мөхнатни рағбатлантиришнинг мавжуд тизимини нотўғри тушуниши;
- Юқори малакали кадрларнинг кетиб қолиши;
- Раҳбарлар мотивациясининг етишмаслиги

### **Комбинатнинг имкониятлари:**

- Республиканинг кашф этилмаган темир-рудалари конларини ўзлаштириш имконияти;
- Истеъмолчилар билан яқин алоқалар, ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштиришда мувофиқлаштириш, истеъмолчининг максимал кониқишини таъминлайдиган индивидуал буюртмани бажариш;
- Янги ресурс ва энергия тежовчи технологияларни жорий этган ҳолда янги пўлат қўйиш ва прокат цехларини қуриш билан metallurgия ускуналарини янгилаш ва модернизация қилиш;
- Хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- Тезкор қарорлар қабул қилиш учун ахборотни шакллантириш ва етказиб бериш тезлигини ошириш билан комбинатнинг АТ – инфратузилмасини модернизация қилиш;
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш;
- Кенг кўламли маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- Савдо бозорларининг экспорт салоҳияти ва географиясини кенгайтириш;
- Янги иш ўринларини яратиш.

### **Комбинатнинг таҳдид-хатарлари:**

- Асосий металл хомашёси, материаллар ва бутловчи қисмларни ўз вақтида етказиб бермаслиги;
- Импорт қилинадиган асосий металл хомашё нархларининг ошиши (ишлаб чиқариш таннархининг ошиши);
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархининг пасайиши ва шунга мос равища ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайиши;
- Маҳаллий ва хорижий мижозлар томонидан маҳсулотларга талабнинг пасайиши;
- Валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ импорт харжатларининг ўзгариши;
- Логистика хатарлари;
- Етказиб берувчи сиёсатини ўзгариши;
- Форс-мажор ҳолатлари;
- Қора металл парчаларини етказиб беришда портловчи ва радиоактив моддаларнинг мавжудлиги.

**V.Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**  
**“Ўзметкомбинат” АЖНИНГ ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК**  
**ДАРАЖАСИ**

№	Номи	Ўлч. бирл.	2022 йил	2023 йил	2024 йил
1	Табиий газ	минг м <sup>3</sup>	94 359,1	91 673,1	76 809,01
2	Электроэнергия	минг кВт.с	967 752,1	889 852,6	723 417,5

Энергия аудит охирги отказилган сана 2023 йил.

**2023 йилда** комбинат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жами **32,3 млрд сўмлик (1,5%)** иқтисодга эришилди, шундан:

- электр энергияни тежаш ҳисобига 15,8 млрд сўм;
- табиий газни тежаш ҳисобига 979,0 млн сўм;
- нефт маҳсулотларни тежаш ҳисобига 150,0 млн.сум;
- операцион харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 8,4 млрд сўм;
- меъёрий харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 6,95 млрд сўм.

**2024 йилда** комбинат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида жами **519,8 млрд сўмлик (25,0%)** иқтисодга эришилди, шундан:

- энергия ресурсларни тежаш ҳисобига 192,2 млрд сўм;
- меъёрий харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 156,5 млрд сўм;
- жараёнларни рақамлаштириш ҳисобига 31,5 млрд сўм;
- харид қилиш, ташиш ва сақлаш харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 106,4 млрд сўм;
- бошқа харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 33,3 млрд сўм.

### **5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати**

Техник сиёсатнинг асосий вазифаси “Ўзметкомбинат” АЖНИНГ ишлаб чиқариш жараёнларида обьектлар ва технологик мажмуаларни электр таъминоти тизимларида замонавий технологиялар ва ускуналардан фойдаланишнинг аниқ ечимларини тақдим этишdir:

- ягона талаблар ва энергия ёндашувлар самарадорлигини ошириш тадбирлари;
- жараёнларни самарали бошқариш ва инновацион технологиялар ва ускуналардан фойдаланиш асосида барча ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия самарадорлигини доимий равишда ошириш;
- фаолият минтақаларида мавжуд бўлган энг яхши технологиялардан фойдаланиш орқали қулай муҳитни сақлаш ва иқлим ўзгаришига таъсирини минималлаштириш;
- энергия балансида қайта тикланадиган манбалардан энергия истеъмол қилиш улушкини ошириш;

- энергия самарадорлигини кўрсаткичларини хисобга олган ҳолда замонавий энергия сарфловчи ускуналарни қўллаш;
- реконструкция қилиш, техник қайта жихозлаш ва иншоотларни қуриш жараёнида инновацион ускуналар ва технологияларни модернизация қилиш ва қўллаш туфайли ускуналарнинг қариш тенденциясини бартараф этиш;
- барча ишлаб чиқариш жараёнларида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида “Ўзметкомбинат” АЖ молиявий кўрсаткичларини такомиллаштириш;
- бизнес ҳамкорлар, жамоатчилик ва ҳокимият органлари олдида акциядорлик жамиятнинг инвестицион жозибадорлигини ва имиджини ошириш.

### ***5.2 Корхонанинг энергетик эҳтиёжларини қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатиши ҳисобидан ва табиий газдан кўмирга ўтказишни таъминлаши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш***

2024 йилда 1540 кВт Қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилди ушбу станция бир йилда ўртacha 2,7 млн. кВт<sup>\*</sup>с электр энергия ишлаб чиқаради.  
2023 йил МКБ (ЦМК) га 10 та қуёш сув иситгичлари ўрнатилди ва 2024 йил октябрь ойи ҳолатига ТЙХ (ЖДЦ) га 5та қуёш сув иситгичлари ўрнатилди.

#### ***5.2.1. Энергетик эҳтиёжларини қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан қуёш панелларини ўрнатиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режаси***

Т/Р	Күёш панелига ўтиш бўйича лойиха қиймати (млрд)	Молиялаштириш манбалари		Күёш панели ўрнатила- диган майдон, минг м <sup>2</sup>	Күёш панелли қуввати		Иқтисод		ҲЭТга сотилиши (мавжуд бўлса)	
		Ўз маблағ-лари	Бошқа маблағлар (хорижий инвестиция, банк кредити ва бошқалар)		соатига, кВт	йил, минг кВт	миқдори, минг кВт	Сумма (млрд)	миқдори, минг кВт	Сумма
1*	5,80	+		7 200	185,49	1624	1 624	1,624	-	-
2*	3,55	+		4 800	123,69	1082	1 082	1,082	-	-
3*	0,26	+		65	24,31	128	0,123	0,12	-	-

I. \*1. Умумий қуввати 900 кВт. 2. Умумий қуввати 600 кВт. 3. Умумий қуввати 40 кВт.

## VI. Кўрсаткичлар

### 6.1. Ишлаб чиқариш режаси

#### 6.1.1. Хомашё захираси

Қора металл парчалари ва чиқиндилари қора металл прокат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган асосий хомашёлардир. Хомашёларнинг асосий қисми, қора металл парчалари ва чиқиндилари Республика худудидан йиғиб олинади (“Иккиласмчикораметаллар” филиаллари). Металлургик хомашёдаги етамаган қисмини импорт қилинади (Қозогистон, Тожикистон).

#### Металлургик ҳомашёга 2025 йилдаги эҳтиёж

	Номланиши	УМК	ҚПМ	ЖАМИ	МИНГ ТН
	<b>Таълаб, жами</b>	<b>993 600</b>	<b>357 000</b>	<b>1 350 600</b>	
	Қора металл парчалари	550 000	-	550 000	
	ИБТ (ГБЖ/ПВЖ)	203 600	357 000	560 600	
	Пўлат қуйма (навли прокат)	80 000	-	80 000	
	Пўлат қуйма (пўлат шарлар)	160 000	-	160 000	

### **6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари**

**“Ўзметкомбинат” АЖда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар:**

**Амалдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар:**

1. Навли прокат (арматура, уголок, швеллер, квадрат, круг, проволока) ва пўлат шарлар (65,80,100,120 мм);
2. Ҳалқ истеъмол маҳсулотлари (сиранган эмал идишлар);
3. Мис ва унинг қоришимларидан бўлган маҳсулотлар (листли прокат, полоса, фольга)
4. Базалт негизидан иссиқлик ўтказмас материаллар (вата, мата, плита);
5. Газсимон маҳсулотлар (аргон, азот, кислород).

### **6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариши ҳолати**

2023 йил якуни бўйича жами **1 028,1 минг тонна** металл прокат маҳсулотлари ёки прогнозга нисбатан 100,8 фоиз (ўсиш суръати 96,3 фоиз), шу жумладан пўлат шарлар **247,9 минг тонна** ёки прогнозга нисбатан 101,8 фоиз (ўсиш суръати 99,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2024 йил якуни бўйича жами **780,7 минг тонна** металл прокат маҳсулотлари ёки прогнозга нисбатан 75,5 фоиз (ўсиш суръати 75,9 фоиз), шу жумладан пўлат шарлар **246,4 минг тонна** ёки прогнозга нисбатан 98,6 фоиз (ўсиш суръати 99,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

#### 6.1.4 Иилааб чиқарииш ва сотииш режаси

(минг. тонна)

<b>Номланиши</b>	<b>2023 й. (амалда)</b>	<b>2024 й. (амалда)</b>	<b>2025 й. (режа)</b>
<b>Шаропокат цехи</b>	<b>254,7</b>	<b>248,8</b>	<b>250,0</b>
- навли прокат	6,8	2,4	-
- пўлат шарлар	247,9	246,4	250,0
<b>Навли прокат цехи</b>	<b>718,9</b>	<b>505,2</b>	<b>600,0</b>
- навли прокат	704,4	492,9	596,4
- пўлат сим (проволока)	9,6	6,9	3,6
- катанка	4,8	5,4	-
<b>LIDA</b>	<b>54,6</b>	<b>26,7</b>	-
- навли прокат	54,6	26,7	-
<b>ҚПМ</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>300,0</b>
- пўлат лист ўрамлари	-	-	300,0
<b>Жами металлонпрокат:</b>	<b>1 028,1</b>	<b>780,7</b>	<b>1 150,0</b>
- навли прокат	780,2	534,3	600,0
- пўлат шарлар	247,9	246,4	250,0
- пўлат лист ўрамлари			300,0

- 2025 йилда жами **1 150,0 минг тонна** металл махсулотлар сотилиши таъминланади, шу жумладан:
- пўлат шарлари - **250,0 минг тн**;
- навли прокатлар – **600,0 минг тн**;
- пўлат лист ўрамлари – **300,0 минг тн**.

**“Ўзметкомбинат” АЖНИНГ 2025 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
РЕЖАСИ**

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиха қуввати	Қувватдан фойдаланиш				Режа		Шундан				Ўсиш/ камайи ш, %
				2023 й. амалда	%	2024 й. амалда	%	2025й.	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
<b>I. Корхона бўйича</b>														
1.	Навли прокат	тн	784 000	780 200	91,8	534 308	70,4	600 000	100,0	137 900	148 300	156 900	156 900	112,3
2.	Пўлат шарлар	тн	250 000	247 898	99,2	246 428	99,4	250 000	100,0	58 450	61 450	64 800	65 300	101,4
3.	Лист ўрамлари	тн	-	-	-	-	-	300 000	100,0	-	-	150 000	150 000	100,0
<b>жами</b>			<b>1 034 000</b>	<b>1 028 097</b>	<b>97,0</b>	<b>780 736</b>	<b>77,4</b>	<b>1 150 000</b>	<b>100,0</b>	<b>196 350</b>	<b>209 750</b>	<b>371 700</b>	<b>372 200</b>	<b>147,3</b>

**“Ўзметкомбинат” АЖНИНГ 2025 ЙИЛ УЧУН ишлиб чиқариш  
РЕЖАСИ**

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2022 й. (амалда)	2023 й. (амалда)	2024 й.		2025й.		Жумладан				
					режса	амалда	(режса)		Ўсиш, %	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>I. Корхона бўйича</b>													
1.	Навли прокат	тн.	819 368	780 200	784 000	534 308	600 000	108,8	137 900	148 300	156 900	156 900	156 900
2.	Пўлат шарлар	тн.	248 129	247 898	250 000	246 428	250 000	100,7	58 450	61 450	64 800	65 300	65 300
3.	Лист ўрамлари	тн	-	-	-	-	300 000	100,0	-	-	150 000	150 000	150 000
<b>жами</b>		тн.	<b>1 067 497</b>	<b>1 028 097</b>	<b>1 034 000</b>	<b>780 736</b>	<b>1 150 000</b>	<b>143,7</b>	<b>196 350</b>	<b>209 750</b>	<b>371 700</b>	<b>372 200</b>	

**“Ўзметкомбинат” АЖНИНГ 2025 ЙИЛ УЧУН МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАР СОТИШ РЕЖАСИ**

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишилар, маҳсулот номи	2023й. (амалда)	2024й. 9 ойлик (амалда)	2024й.		2025й. (режса)	Жами тушумд аги улуши	2025й. (режса)	Шу жумладан			
				режса	амалда (тезкор)				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>I. Корхона бўйича</b>												
1.	Жами соф тушум (эрги солиқларсиз)	9 590,6	6 343,9	9 779,1	8 380,8	10 169,8	100,0	10 170,4	1 806,3	1 935,3	3 213,2	3 215,6
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>												
2.	Навли прокат	5 738,6	3 648,2	5 863,7	4 747,4	4 820,3	47,3	4 821,9	1 108,0	1 191,7	1 260,9	1 261,4
3.	Пўлат шарлар	2 474,6	1 884,2	2 471,7	2 455,5	2 472,9	24,3	2 472,9	577,1	606,9	641,8	647,1
4.	Бошқа маҳсулотлар	1 377,4	811,5	1 443,5	1 177,9	534,2	5,3	533,2	121,2	136,7	139,3	135,9
5.	Пўлат лист ўрамлари	-	-	-	-	2 342,5	23,1	2 342,5	-	-	1 171,2	1 171,2

## 6.2. Молиявий режа

### 6.2.1 Жорий (3 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

#### "Ўзметкомбинат" АЖНИНГ 2022-2024 йиллар бўйича Молиявий натижасида тўғрисидаги МАЪЛУМОТНОМАСИ

Номланиши	2022 (амалда)	2023 (амалда)	2024 (амалда)	сўм
<b>1. Махсулот сотишидаги соф тушум</b>	<b>8 968 632 495 110</b>	<b>9 590 598 563 738</b>	<b>8 380 772 540 983</b>	
2. Сотилган махсулотларнинг таннархи <i>Амортизация харажатлари</i>	(6 369 730 372 560)	(8 000 900 540 918)	(6 870 922 297 133)	
<b>3. Махсулотларни сотишидаги ялпи фойдаси</b> Ялпи фойданинг рентабеллиг даражаси	<b>2 598 902 122 800</b>	<b>1 589 698 022 820</b>	<b>1 509 850 243 849</b>	
	29%	16,6%	18,0%	
<b>4. Давр харажатлари, шу жумладан:</b>	<b>(1 100 655 251 711)</b>	<b>(880 687 243 227)</b>	<b>(734 199 579 646)</b>	
4.1. Сотиш харажатлари	(38 580 573 652)	(44 972 640,903)	(39 713 670 588)	
4.2. Маъмурӣ харажатлар <i>Амортизация харажатлари</i>	(339 961 482 159)	(349 412 599,732)	(320 637 871 507)	
4.3. Прочие операционные расходы	(722 113 195 899)	(486 302 002,593)	(373 848 037 551)	
5. Бошқа операцион даромадлар	118 085 558 793	59 879 805 078	53 803 936 407	
<b>6. Асосий фаолиятининг даромадлари</b>	<b>1 616 332 429 882</b>	<b>768 890 584 671</b>	<b>829 454 600 610</b>	
7. Молиявий фаолият сальдоси	(145 997 695 262)	(131 070 161 759)	(282 764 288 329)	
7.1. <i>Фоизлар шаклидаги харажатлар</i>	(78 500 415 762)	(190 241 716 009)	(323 645 258 603)	
<b>8. Умумхужалик фаолиятининг фойдаси (зарари)</b>	<b>1 470 334 734 620</b>	<b>637 820 422 911</b>	<b>546 690 312 281</b>	
9. Фавкулоддаги фойда ва зарарлар	-	-	-	
<b>10. Даромад (фойда) солигини тулагунга кадар фойда (зарар)</b>	<b>1 470 334 734 620</b>	<b>637 820 422 911</b>	<b>546 690 312 281</b>	
11. Даромад (фойда) солиги	(229 598 377 548)	(79 109 760 668)	(76 256 195 118)	
<b>Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)</b>	<b>1 240 736 357 072</b>	<b>558 710 662 244</b>	<b>470 434 117 163</b>	
<b>EBITDA</b>	<b>1 712 537 211 315</b>	<b>1 015 423 297 140</b>	<b>1 029 477 331 619</b>	
Соф фойда рентабеллиги =>	13,8%	5,8%	5,6%	

## 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

**2025 йил якуни билан Молиявий натижа**

Номланиши	2025	Сўм Даромаддаги улуси,%
<b>1. Махсулот сотишидаги соф тушум, шу ж:</b>	<b>10 170 447 999 254</b>	<b>100,0%</b>
Навли прокат	4 821 936 692 001	47,4%
Пўлат шарлар	2 472 892 738 500	24,3%
Пўлат лист ўрамлари	2 342 400 000 000	23,0%
Базальт	97 200 000 000	1,0%
Рангли металлар	251 713 785 714	2,5%
Сирланган идишлар	134 780 838 922	1,3%
Бошқа махсулотлар	49 523 944 116	0,5%
<b>2. Сотилган махсулотларнинг таннархи</b>	<b>(8 597 213 103 289)</b>	
Амортизация	(338 998 321 978)	
<b>3. Махсулотларни сотишидаги ялпи фойдаси</b>	<b>1 751 092 511 799</b>	
Ялпи фойданинг рентабеллиг даражаси	17,2%	
<b>4. Давр харажатлари, шу жумладан:</b>	<b>(627 000 000 000)</b>	
Сотиш харажатлари	(40 530 921 813)	
Маъмурий харажатлар	(297 843 750 331)	
Прочие операционные расходы	(288 625 327 856)	
Бошқа операцион харажатлар	-	
<b>6. Асосий фаолиятининг даромадлари</b>	<b>1 163 530 511 799</b>	
7. Молиявий фаолият сальдоси	(284 320 557 447)	
<b>8. Умумхужалик фаолиятининг фойдаси (зарари)</b>	<b>879 209 954 352</b>	
9. Фавкулоддаги фойда ва заарлар	-	
<b>10. Даромад (фойда) солигини тулагунга кадар фойда (зарар)</b>	<b>879 209 954 352</b>	
11. Даромад (фойда) солиги	(131 881 493 153)	
<b>Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)</b>	<b>747 328 461 199</b>	
<b>ЕБИТДА</b>	<b>1 523 528 833 778</b>	
Соф фойда рентабеллиги =>	7,7%	

2025 йил якуни билан жами соф фойда кўрсаткичи **747,3 миллиард сўмни** ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Соф тушумдаги махсулотларнинг улуси қўйидагилардан иборат:

- Навли прокат – **47,4** фоиз;
- Пўлат шарлар – **24,3** фоиз;
- Листовой прокат ЛПК – **23,0** фоиз;
- Рангли металлар – **2,5** фоиз;
- Сирланган идишлар – **1,3** фоиз;
- Базальт махсулотлари – **1,0** фоиз;
- Бошқа махсулотлар – **0,5** фоиз.

**“Ўзметкомбинат” АЖНИНГ  
2024 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети)  
РЕЖАСИ**

Кўрсаткичлар	2023й.	2024й.	2024й	2025й.
		9 ойлк	12 ой	12 ой
		(факт)	(тезкор)	(режса)
<b>Жами даромад (эрги солиқларсиз), шу жумладан:</b>	<b>9 673,8</b>	<b>6 393,6</b>	<b>8 463,9</b>	<b>10 170,4</b>
соф тушум	9 590,6	6 343,9	8 380,8	10 170,4
бошқа даромадлар	59,9	22,5	53,8	39,4
молиявий фаолият даромадлари	23,3	27,3	29,3	56,8
<b>Ишлаб чиқариш таниархи</b>	<b>8 000,9</b>	<b>5 166,2</b>	<b>6 870,9</b>	<b>8 419,4</b>
хомашё ва материаллар	6 361,4	3 870,2	5 254,9	6 595,3
энергия ресурслари	878,5	674,8	830,0	889,8
